



Ishonch

Моҳият
Инсон учун
халқнинг
ишончи,
меҳру муҳаб-
батига
сазovor
бўлишдан ортиқ
бахт йўқ.
Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Буюк ва мукаддасан, мустақил Ватан!

«Биз — бунёдкор халқимиз» танловига

«Инсон қўллари нималарга қодир эканлигини ўз меҳнати билан намойён этаётган Гулнора Бозорова уюшмамизнинг энг фаол аъзоларидан. Худди ўзи каби яратган нақшлари ҳам гўзал бу аёлни Бухоро зардўзлик санъатини Жиззахга пайванд этган уста боғбон деб таърифлаш мумкин».

«Ишонч» кредит уюшмаси

Эл хизматиди




Бозорова ва унинг шогирдлари тиккан миллий либосларни кийишмоқда. — 1998 йили Жиззахга Бухоро зардўзлигини олиб келганман, — дейди уста зардўз Гулнора Бозорова. — Бухоро хонлиги даврида зардўзлик хунари қаттиқ сир сақланган дейишди. Бу гапда жон бор, албатта.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига миллий либослар билан бирга палак, чимилдик, кўрпа тикламан. Палак тутишининг хосияти кўп. Кексаларимизнинг айтишича, янги келин тушган уйнинг деворларида палак ёзилиб турса, келин-куёв бир-бирига меҳрли бўлади. Хозир аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб шу асосда иш олиб бораямиз. Бу борада турмуш ўртоғимнинг ёрдами катта бўлапти.

Қизларим тиккан палакларни харид қилган аёллардан бири «ўшандан бери уйга кирсам, етти авлодимни хис қиламан», деганида беҳад қувонгандим. Аёлларнинг фикри тиниклашиб, миллийликни қўмсаётганлигидан бошим кўкка етгудек бўлади. Янги услубда тикилган аппликация, яъни тошлар билан безатилган миллий либослар ансамблини яратдим. Бу либосларни ҳар бир ўзбек қизининг эгнида кўришни хоҳлайман. Шундай бўлаётти ҳам.

Уй шароитида меҳнат қилаётган 500 дан ортиқ кластр, яъни занжир услубида меҳнат қилаётган касаначи ишчиларим бор.



Улар ҳам турмуш ўртоқларига ёрдамлашди, ҳам ўзларининг кам-кўстларини тўлдирди. Бундай фаолият олиб боришининг ижобий томони шундаки, барча чеварларим бир-бири билан боғлиқ, ҳамкорликда иш олиб боришади. Аслида ҳам бирлашиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлашнинг хосияти кўп.

Саккиз йилдан бери Жиззах «Ишонч» кредит уюшмаси билан ҳамкорликда ишлаймиз. Бошда 3 мартаба кредит олган бўлсам, ҳар сафар қимматбахо буюмларимни гаровга қўядим. Аста-секин ўртада ишонч пайдо бўлди. Хозир кредит олишда сира қийналмайман. Хаттоки 20 миллион сўмлик кредитни ҳам гаровсиз оламан. Бировдан қарз кўтармайман. 2010 йили 18 миллион сўмлик кредит олиб, ўз вақтида қайтардим. Ёшларга ҳам кредит олиб ишлаш йўлини ўргатаймиз.

Авалло, дунёмиз тинч, халқимиз бой-бадавлат бўлишини хоҳлайман. Етишмовчилик бўлмасин. Чеварлар кўпайсин. Ҳар бир оилага барака кирсин, юртимиз бундан-да ривожлانسин. Амир Темир бобомиздай мард ва жасур ўғлонлар, Нодиробегим, Увайсий каби оқила аёллар, олим ва олималар кўпаявсин.

Назира БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган суратлар

2003 йили касаначиликни яхши йўлга қўйгани ва Бухоро зардўзлик хунарини Жиззахга кенг ёйгани учун «Шухрат» медали билан тақдирланган қасрамонимиз «Аёллар ассоциацияси», «Лидер аёллар клуби» аъзоси ҳам.

Асли Бухорода тугилиб ўсган бу аёлни тақдир Жиззах шаҳрига етаклаб келди. Бугун у қилаётган савобли ишлардан нафақат шаҳарликлар, балки бутун вилоят ахли хурсанд. Чунки янги ҳаёт остонасида турган ёш-йигит қизлар эндиликда Гулнора



Янги кун янгиликлари

Сирдарё Вилояти

Гулистон шаҳрининг «Маданият» маҳалласи худудидида Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисм хизматчилари учун янги турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган кўпқаватли уйга 12 та оила кўчиб ўтди. Қурилиш ишлари шаҳардаги «Махмуд Достон» хусусий фирмаси томонидан амалга оширилди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами арафасида 36 хонадондан иборат 2 та уч қаватли бино қуриб битказилиши мўлжалланган.

Андижон Вилояти

Чинобод пахта тозалаш хиссадорлик жамиятининг бўш турган хоналари таъмирланиб, янги тикувчилик цехи очиб чоралари кўрилмоқда. Хориждан «Маки» русумли 50 та тикув машиналари келтирдик, — дейди корхона раҳбари Алижон Эгамбердиев. — Цехда вилотимиз пахта тозалаш корхоналари учун палатка, бунтларни ёпиш учун махсус қолама, махсус кийимлар, қоплар ишлаб чиқарилади. Цех иш бошлагач, яна 100 та янги иш ўрни яратилади.

Тошкент

Ўзбекистон Миллий университети Маданият саройида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Истеъдод» жағфармаси, «Камолот» ЕИХ, «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда худуддаги барча таълим муассасалари ҳамкорлигида шаҳарчадаги таълим муассасаларида тахсил олаётган фаол талабалар ҳамда «Камолот» ЕИХ фаолларига «Ёшларда раҳбарлик маҳорати» махсус курси сертификатлари топширилди. Махсус курс ёшлар онига миллий истиқлол ғояси тамойиллари ҳамда ҳуқуқий демократик жамият қуриш ғояларини сингдириш мақсадида ташкил этилган. Шу чоққа 500 нафарга яқин талаба «Истеъдод» жағфармасида ўқиб, ўз билим ва қўникмаларини ошириб қайтди.

Учинчи сектор

Мақсад — инсонга наф келтириш

Бугун сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар жамият ҳаётининг бир бўлаги бўлиб шаклланди. Улар орасида ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ролини кучайтиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган «Келажак нури» нодавлат нотижорат ташкилоти алоҳида нуфузга эга. Ташкилот 2007 йилдан бунён фаолият кўрсатади. Унинг қатор лойиҳалари асосида кўплаб ёшлар ҳаётда ўз ўринларини топди. Хусусан, Баркамол авлод йили муносабати билан ташкил этилган «Бизнес билан танишув ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш» мавзусидаги касбга йўлловчи ўқув курсида сабоқ олган йигит-қизлар ҳозирда мамлакатимиз равнақига ҳисса қўшмоқда. Бу ҳақда ННТнинг Наманган вилоятидаги вакили Дилшодбек Отабоев шундай дейди:

— «Баркамол авлод йили» вилот дастурида ёшларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, хусусан, кишлоқ жойларда уларнинг касбий таълимини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилган эди. Ушбу вазифани бажариш мақсадида 2010 йил 17 июн куни «Келажак нури» нодавлат нотижорат ташкилоти, вилот Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ўрта махсус, касб-хуна таълими, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси худудий бошқармалари, «Микрокредит-банк» бўлими, «Маҳалла» жағфармаси, «Келажак овози» Ёшлар ташаббуслари маркази

ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилот бўлими ёзаро ҳамкорликда «Бизнес билан танишув ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш» мавзусидаги касбга йўлловчи ўқув курси ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида кўшма қарор қабул қилди. Бундан кўзланган мақсад кишлоқ жойларда яшовчи ёшларга тадбиркорлик билимларини бериш, худудлар ва муносабатликлар бўйича ёшларнинг бандлик даражасини ошириш, ёшларга хизмат кўрсатиш, сервис ва ишлаб чиқариш соҳаларида ўз бизнесини ташкил этишда имтиёзли микрокредитлар ажратиш ва қўллаб-қувватлаш эди.

(Давоми 2-бетда)

Жараён

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизмат ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан касаначиларга иш стажига ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланган. Фармон саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хом ашё ва материалларни етказиб бериши асосида оилавий пудратни ривожлантириш, фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу билан бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратди. Бу эса, ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Ҳамкорлик самараси

Хоразм вилотида 83 та корхона касаначилар билан ҳамкорлик қилади. Натижада 1071 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Уларнинг ижтимоий ҳимояси ва меҳнат муҳофазаси Фармонда кўрсатилган тартибда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, аҳолини уй меҳнати фаолиятига кенг жалб қилиш учун кулай шароит ҳам яратиб берилган. Касаначилар 1 млн. 138 минг сўмлик асосий воситалар билан таъминланди. Яратилган шароит тикувчилик, атторлик, ипақчилик, меҳел, элетрон саноат, шунингдек, телекоммуникация, сервис ва хизмат қўрсатиш тармоқларида касаначилик билан шуғулланаётган фуқаролар сонини тобора ортиб боришига имкон яратмоқда.

Албатта, корхоналарнинг буюртмалари касаначилар томонидан меҳнат шартномаси асосида бажарилади. Корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган фуқарога меҳнат дартфарчаси берилади, пенсия ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинлашда ишлаган вақти меҳнат стажига қўшилади. Жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига вилотда касаначиларга 88152 минг сўмлик иш ҳақи ҳисобланди. Улар ижтимоий тўлов бўйича 22038 минг сўм миқдорда имтиёзга эга бўлди. Шунингдек, бундай фуқароларга мол-мулк солиғи бўйича ҳам имтиёзлар қўлланилмоқда.

Касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб 2014 йилнинг 1 январигача меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинган.

Ҳабибулла ИБРАХИМОВ,
Хоразм вилоти ДСБ ходими

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Грант олиш учун танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг «Усиб келатган авлодининг баркамол ривожланишига, мустақил фикрловчи, ўзининг шахсий ҳаётини позициясига ва мустақил эътиқодга эга бўлган ёшларни тарбиялашга, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиш» мавзусига бағишланган қўйидаги йўналишлардаги лойиҳалари қабул қилинади:

— ёшларни ҳаёт талаб қиладиган касбларга ўқитиш, олий ўқув юрталари, профессионал коллежлар, академик лицей битирувчиларини, айниқса кичик шаҳарларда ва кишлоқ жойларда ишга жойлаштириш;

— ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратишга доир ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш;

— ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш асосида тарбиялаш, мамлакатнинг тарихий бой меросига ёшларни жалб қилиш;

— ёшлар ташкилотларининг болаларда мусиқа, рассомчилик, санъат ва маданиятга бўлган қобилиятларини эрта аниқлашда ва ривожлантиришдаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

— иқтидорли, қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга фаол жалб қилиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш;

— ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, зарарли таъсирлардан, ташқаридан кириб келувчи паст савиядаги турли «оммавий маданият» таҳдидлари ва таъсирларидан асраб қолиш.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институт-

ларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига ариза билан ихтиёрий шаклда тузилган қува-тувчи хат;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида келтирилган шаклда грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ҳамма ўзгартишлар ва қўшимчалар билан).

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган грант миқдори — 15 млн. сўмгача.

Ҳужжатлар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2011 йил 1 август соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин. Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй» манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондидаги лойиҳаларни қабул қилинади.

Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан Жамоат фондининг расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи дewanида танишиш мумкин (т.н.: 239-26-64; 239-26-76).

Мақсад — инсонга наф келтириш

(Боши 1-бетда).

«Келахак нури» ННТ томонидан амалга оширилган ва Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди томонидан молиялаштирилган «Наманган вилоятининг қишлоқ жойларига ёшларга тадбиркорлик қўникмаларини шакллантириш ва ўз бизнесини бошлашига қўмақлаштириш» давлата амалга ошириш лойиҳаси ҳам юқоридаги қўшма қарор ижросига йўналтирилган.

Лойиҳа доирасида вилоятнинг барча туманларида давра суҳбатлари ва 330 нафар ёшлар иштирокида тренинглари ўтказилди, 100 та кичик тадбиркорлик субъекти тузилиши ҳамда уларда 400 та янги иш ўрни яратилди, вилоятда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар санини кенгайтириш, ушбу корхоналарда ишловчиларнинг турмуш тарзи ва халқ фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш режалаштирилган.

Қишлоқ ёшларининг тадбиркорлик бўйича ўқувларини ташкил этиш, бунда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик ва шерикликни шакллантириш ҳамда бизнес учун бошланғич сармоя шаклидаги микрокредит олишларида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Шу пайтга қадар Норин, Уйчи, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон,

Учқўрғон, Чортоқ, Поп, Косонсой, Чуст ва Мингбулоқ туманларидаги касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари ва маҳаллалардаги ишсиз бўлган 400 нафарга яқин йигит-қиз ишларида тренинглари ўтказилди. Машгулотлар давомида «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари», «Корхона. Бу ўзи нима?», «Тадбиркорлар. Улар ўзи ким?», «Қандай қилиб тадбиркор бўлиш мумкин?», «Янги тадбиркорлик гоёсини қандай топилган мумкин?», «Тадбиркорлик субъектлари фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг ёндашувини қўллаш», «Стандарт бизнес-режа ва унинг таркибий қисмлари» каби мавзулар интерактив методлар ёрдамида тушунирилди.

Тренинг иштирокчиларидан 286 нафари Наманган вилоятини худудий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос хизмат кўрсатиш, сервис ва ишлаб чиқариш соҳаларида ўз ишини ташкил этиш бўйича бизнес-режа ишлаб чиқаришди. Улардан энг самарали деб топилган 95 тасининг муаллифлари корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказиш ва бошланғич сармоя билан таъминлаш мақсадида молиялаштириш учун тавсиялар берилди. Бизнес режасини ишлаб чиққан тингловчилардан 3 нафари «Ташаббус — 2011» танловининг туман босқичида иштирок этиб, «Энг яхши бизнес режа» номинацияси бўйича голибликни

қўлга киритди.

Шунингдек, лойиҳа доирасида Наманган вилоятининг Поп, Янгиқўрғон туманлари ҳамда Наманган шаҳрида фаолиятини бошлаган 40 дан зиёд кичик корхона ва яқна тартибда фаолият кўрсатувчи тарбиркорга зарур маслаҳатлар берилиб, бошланғич сармоя олишлари учун бизнес режалари тузишлари қўмақлашилди.

Шуниси қувонарлики, бугунга қадар лойиҳа доирасидаги тренингларида иштирок этган 36 нафар ёшлар ўз корхоналарини очиб, юртта фойда келтира бошлашди. Хусусан, Норин туманидан «Искандар порлок келажаги», «Дилдора-Хусниддин балиқчиси», «Барчиний бегиим пишириқлари», Уйчи туманидан «Машадишириқлари», Тўрақўрғон туманидан «Асал лимонлари», «Назира шифобахш лимонлари», Учқўрғон туманидан «Нуробод болгар хўрсозлари», «Абелла Садоқат либослари» «Ойбек тезкор файз», «Моҳичеҳра-Гулчеҳра-Дилором», «Кўгай зотдор хисориси», «Меҳнатобод цитрус мевалари», Поп туманидан «Талаба Озода» хусусий корхоналарининг хизматидан кўпчилик мамнун.

Эзгу иш самараларидан руҳланган «Келахак нури» ННТ жонқуралири эса янги-янги гоғялар устида изланишда давом этишмоқда. Мақсад доим-гидек ягона: шу юрту элга наф келтириш.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Конференция

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ташаббуси билан «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон миллий оммавий ахборот воситаларининг шаклланиши ва ривожланиши динамикаси» мавзусида матбуот конференцияси ташкил этилди. — Истиқлол йилларида қабул қилинган оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қатор қонунлар сўз эркинлигини таъминлашга оид демократик стандартларни жорий қилишда зарур ҳуқуқий асос яратди, — деди Агентлик бош директорининг ўринбосари Р.Сафоев. — Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида «Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш» бўйича белгилаб берган стратегик вазифалари журналистикамиз ривожига муҳим бир даврга йўл очди.

Очиқлик ва ошқоралик

Қайд этилишича, ОАВ умумий сони 1991 йилда 395 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунда 1243 тага етган. Эътиборлики, ўша пайтда давлатга қарашли битта телевидение ва радиодан бўлак бу турдаги оммавий ахборот воситаси мавжуд эмади. Бугун теле ва радиоканаллардан ташқари веб-сайтлар ҳам ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилмоқда. Бир сўз билан айтганда, соҳада энг тез ривожланаётган тармоқлар айнан электрон ОАВ ҳисобига тўғри келади. Ҳозирда ТВ, радиоканал, веб-сайтларнинг 86 фоизи нодавлат ОАВдир.

Маълумки, Концепцияда ахборот соҳасига дахлдор бир неча янги қўнуларни қабул қилиш, амалдаги айрим қўнуларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Матбуот ва ахборот агентлиги бу борадаги вазифаларни амалга оширишга киришган. Жумладан, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қафолатлари тўғрисида» янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ва «Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида»ги қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ахборот соҳасини ислоҳ этиш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг асл моҳияти ҳам фуқаролик жамиятини барпо этишда ОАВнинг мустақил институт сифатида шаклланиши, сиёсий ҳокимият ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда очиқлик ҳамда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашдан иборат.

Шунингдек, анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб берилди.

Дилноза ИСМАТОВА

Маҳаллийлаштириш дастури амалда

Жараён давом этмоқда



Дунё миқёсида энергияни кам сарфлайдиган асбоб-ускуналардан фойдаланиш, тикланувчи энергия манбаларини кенг татбиқ қилиш тобора авж олмоқда. Бундай йўл тутилиши сабабини қисқагина қилиб кундан-кунга энергияга бўлган эҳтиёжнинг ортаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Кўпгина давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам тежамкор, кам қувват талаб қиладиган бундай ускуналарга талаб ортаётти. Ҳўш, уларнинг олдингилардан афзаллиги қандай? Улар фойдаланишда инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайдими? Тахририятимизга келган ана шундай саволлар билан Ўзбекистон радиотехника, электротехника ва асбобсозлик санвати корхоналари уюшмасига мурожаат қилган эдик. Қуйида мазкур уюшма раиси вазифасини бажарувчи А.Расуловнинг уларга жавобини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— Янги электр лампаларининг афзалликлари ҳақида баътафсил тўхталиб ўтсангиз.

— Янги турдаги энергия тежамкор люминесцент лампалар (ЭЛЛ) оммавий тарзда истеъмолда бўлиб келаётган оддий лампалардан тубдан фарқ қилади. Улар одатда ташкилотлар ва корхоналарда қўлланиладиган трубка кўринишдаги лампаларнинг маиший тури бўлиб, кўриниши спираль ёки бошқа шаклларда бўлиши мумкин. ЭЛЛлардан узлуксиз (24 соатлик) ишлаб чиқариш биноларини ёритиш ва маиший ҳаётда бирдек фойдаланилади. ЭЛЛлар эски чўғлашни лампаларидан қуйидаги афзалликлари билан ажралайди туради:

- тежамкорлиги (ёритиш учун сарфланадиган энергия чўғлашни лампалариникидан тахминий 5 маротаба кам);
- ишлаш муддатининг узоклиги (8000 соатгача ишлатилиши мумкин);
- фойдалилиги (ёритишда, аммо иситмайди);
- электр токи қучлишининг ортиши ва камайишига деярли таъсирчанмас (190-245 V);
- ихчамлиги;
- замонавий дизайни.

— Улар қайси корхоналарда ишлаб чиқаришмоқда?

— Бугунги кунда мамлакатимизда ЭЛЛларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси тизимига кирувчи «Neo Sun Light» ҚК МЧЖ корхонаси негизда мазкур турдаги лампаларнинг ҳар хил турлари ишлаб чиқаришмоқда. Уюшма томонидан Корейнинг «Шинхва Лайтинг» компанияси билан ҳамкорликда «Навои» ЭИИЗ худудиди янги «Uzkor Lighting» ҚК МЧЖ корхонаси ташкил этилган. Мазкур қўшма корхона томонидан ҳозирда «Навои» ЭИИЗ худудиди завод қурилиши тугалланмоқда. Шу ойда корхонанинг ишга туширилиши режалаштирилган.

— Республикаимиз худудиди электр лампаларини янги тежамкор турига алмаштириш жараёни қачондан бошланади ва у қай тартибда амалга оширилади?

— Фойдаланилаётган энергияни кўп сарфлайдиган чўғлашни лампаларини энергияни тежайдиган лампаларга алмаштириш ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 июндаги қарорига мувофиқ, Республика миқёсида барча вазириклар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликларини томонидан ҳар йили амалга ошириб борилади. Шу билан бирга, тасдиқланган жадваллардан келиб чиқиб, идоравий мансуб ташкилотлар томонидан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари билан, жумладан, ҳар йили ўтказиладиган Халқаро сананоат ярмаркасида ва кооперация биржасида энергияни тежайдиган лампаларни сотиб олишга шартномалар тузилади.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 июндаги қарори билан «2011-2015 йилларда энергияни тежайдиган замонавий лампалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва фойдаланилаётган чўғлашни лампаларини алмаштириш чора-тадбирлари» ҳамда «2011-2015 йилларда энергияни тежайдиган лампаларни маҳаллий ишлаб чиқариш ва улар билан ички бозорни тўлдиришнинг мақсадли параметрлари» дастури тасдиқланган. Мазкур дастур доирасида «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси асосий ишлаб чиқарувчи сифатида белгиланган. Шу билан бирга, қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситаларида энергияни тежайдиган лампалардан фойдаланишнинг афзаллиги тўғрисидаги материаллар кенг ёритилиши кўзда тутилган. Амалдаги чўғланувчи лампаларни янги ЭЛЛларга алмаштириш тартиб-қоида ва енгилликлари юзасидан қўшимча маълумотлар келгусида доимий равишда оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик эътиборига тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан етказиб борилади.

Касаба уюшма аралашгач Интизомий жазо ўзгартирилди

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Денов туман бўлими ходими Адолат Холова вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Вакилликка иш берувчи томонидан унга ноқонуний равишда ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди жарима жазоси қўлланилганлиги баён қилинган шикоят хати билан мурожаат қилиб, интизомий жазо ҳақидаги буйруқни бекор қилишга ёрдам беришни сўради.

А.Холова 2010 йилдан бошлаб бўлимда пенсия ва нафақалар тўлаш устидан мониторинг гуруҳи нозира вазифасида ишлаб келган. Иш берувчининг ҳўжатларида А.Холовага нисбатан 2011 йил 13 январдаги №-3А сонли буйруққа кўра қўлланилган интизомий жазо Меҳнат Кодексининг 181-моддасига асосланганлиги кўрсатилди.

Ҳақиқатан ҳам, Кодекснинг 181-моддаси биринчи қисми 2 бандида ходимнинг меҳнат интизомини бузганлиги учун хайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортқ бўлмаган миқдорда жарима, ва хатто ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳўллари ҳам назарда тутилиши мумкин, деб белгиланган.

Бирок касаба уюшмаси ҳўқуқшунослари томонидан ўтказилган текширув натижасида иш берувчи А.Холовага интизомий жазо қўллашда бир қатор хатоликларга йўл қўйганлиги аниқланди.

Жумладан, Меҳнат Кодексининг 174-моддасида корхонада меҳнат тартиби иш берувчи, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланиши кўрсатилган. Аммо Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Денов туман бўлимида меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ички меҳнат тартиб қоидалари қабул қилинмаган. Натижада, А.Холованинг қайси қоидадан бузганлиги учун жазо қўллаш лозимлиги корхонанинг бирон локал ҳўжатиди ўз аксини топмаган. Иш берувчининг ҳисоб бўлими эса юқоридаги ҳўлатни эътиборга олмай, А.Холованинг 2011 йил январ ойидаги маошидан жарима жазоси сифатида 138 469 сўм ушлаб қолиб хатоликка йўл қўйган.

Меҳнат Кодекси 182-моддасининг 3-қисмида «Интизомий жазосини қўлланишда содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва ҳўлқ-авазори ҳисобга олинади» деб кўрсатилган.

Иш берувчи А.Холовага интизомий жазо қўллашда Меҳнат Кодекси 181-моддасининг биринчи қисми 2-бандини ва 182-моддасининг 3-қисминини бузганлиги сабабли, унинг 2011 йил 13 январдаги №-3А сонли буйруғини Кодекс талабларига мувофиқлаштириш, ҳисоб бўлими томонидан А.Холованинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинган 138469 сўм миқдордаги ойлик иш ҳақини қайтариб бериш тўғрисида талабнома юборилди.

Вакиликнинг аралашуви билан А.Холовага берилган жазо, 10 фоиз жарима жазоси билан алмаштирилди.

Зариф ХОЛОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти Вакилликнинг ҳўқуқий бўлим мудирини



Фаргона шаҳридаги «Far Antikor Invest» хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга истеъмол бозориди талаб тобора ортмоқда.

Ана шундай эътибор самарасида 2006 йилда ташкил этилган «Far Antikor Invest» хусусий корхонаси ҳам бозор талабларини ўрганган ҳўлда, маҳаллий ҳомашдан юқори сифатли техник ва маиший лок-бўёқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

— Айни пайтда корхонамизда 11 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда, — дейди хусусий корхона раҳбари Абдуқодир Юнусов. — Утган йили «Асака банк»нинг вилоят филиалидан олган 19 миллион сўмлик

имтиёзли кредит ва ички имкониятларимиз ҳисобига янги технологияни жорий этдик. Энди барча турдаги лок, эмал бўёқларини уюштиришда ишлатиладиган «Уайт спирит» маҳсулотини ҳам ўзимиз ишлаб чиқармоқдамиз.

Корхона жорий йилда «Сифат учун» халқаро сертификатини қўлга киритди, «Ташаббус» кўрик-танловидан «Менинг юртим — менинг ифтихорим» номинациясида голиб бўлди.

Суратда: корхона ишчилари Кимё Акрамова, Гулбахор Умарова, Гулбахор Аҳмедова ва Ҳафиза Юнусова.

Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат

Журналист муаммо кўтаради

Ихотазорлар қани?

Ҳаётда ўз исботини топган мисоллардан яхши маълумки, 1 гектар майдондаги дарахтзор 54 тонна чанг, 5 тонна ис газини ушлаб қолиб, ҳавонинг зарарли микрофлора билан тўйинишини 40-45 фоизга камайтиради.

Шўрадошлар оиласига мансуб бўлган саксовул бўйи 3-4 метр, баъзан 6-8 метрга етадиган сершоҳ бута. Мамлакатимизнинг кумли қўлларида ўсадиган бу паммафил ўсимлиги узок вегетация даврига эга бўлиб, 60-90 йилгача умр кўради, кучли ривожланган ва универсал типдаги илдизлари ер ости сувалярига етиб боради.

— Табиий саксовулзорлар пичан ҳосили гектаридан 10 центнергача етади, — дейди «Нишон» қоракўлчилик ширкати чўлони, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қоравдор» Араб Қўйилев. — Саксовулнинг бир йиллик нодаллари ва уруғларини қўйлар қишда ва кузда яхши истеъмол қиладди, туялар эса йил давомида у билан озиқланади, — Озуқанинг таркибида 10-12 фоизгача,

уруғларида 20 фоизгача протеин 2,2-2,7 фоиз ёғ, 21,2-36,8 фоиз қул, 39,3 фоиз азотсиз экстрактив моддалар, 14,9 фоиз клетчатка мавжуд, — дейди «Ўзбек қоракўли» уюшмаси раиси Фазлиддин Аҳмедов. — 100 килограмм пичан таркибида баҳорда 28, кузда 46 ва қишда 37 озуқа бирлиги борлиги аниқланган.

Қашқадарё вилояти мисолида олинандиган бўлса сунъий яйловлар, ихотазорлар яратишда истиқболли ўсимлик ҳисобланган саксовулзорлар, афсуски, кенгайтириш ўрнига камайиб бормоқда.

— Бундан 35-40 йил муқаддам вилоятнинг Миришкор ва Нишон туманлари худудидида саксовул орқали 40-45 минг гектар майдонга саксовул уруғи оқилган эди, — дея эслади кекса қоравдор Нурмамат Рустамов. — Қаровсизлик оқибатида мавжуд саксовулзорлар сирақлашиб кетди. Айрим кишилар саксовулларни экиш, ўстириш ўрнига кесиб, ўтин қилиб ёқмоқда. Натижада, бу қимматбаҳо ўсимликларни ўстириш учун сарфланган маблағ ҳавога учиб, ихотазорлар йўқолиб борапти.

Қашқадарё вилояти табииати муҳофазаси

қилиш қўмитаси маълумотларига қараганда, ҳозирги пайтда саксовулзорлар Нишон туманида 1,5 минг, Миришкорда 8,5 минг, Муборакда 7 минг, Ғузур туманида 6,5 минг гектар, жами 23,5 минг гектар майдонни ташкил етади.

Қўмита томонидан ўтказилган мониторингларда «Балхия» қишлоқ фуқаролар йиғини Гулистон қишлоғида яшовчи Илхом Бобоёров, Бахриддин Ҳўжақулов, Шерали Усмонов, Хасан Алибоевлар «Нишон» қоракўлчилик ширкати худудидида ихотазорлардан ўтин учун саксовулни чопиб кетаётганда ушлашиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 79-моддаси 1-қисмига асосан улардан табиатга келтирилган зарар ундириб олинган.

Миришкор туманининг Чандир қишлоғида истиқомат қилувчи Отаназар Авазов эса МТЗ-80 тракторига саксовул ўсимлигини кесиб, ортиб келаётган пайтда қўлга тушди. Вилоят Марказий ўрмон ҳўжалигининг



Бахористон бўлими бошлиғи Муқимбой Аллабердиевнинг таъкидлашича, кумли ерларда, магистрал йўллар ва канал четларида ихотазорлар барпо этишга киришилган. Чўлда янги саксовулзорлар барпо этилади. Бундай ибратли ташаббусни қўллаб-қувватлаш, оммалаштириш керак. Саксовул кум қўқилари, чанг-тўзоннинг олдини олиш билан бир қаторда чўл худудидида ўсимлик дунёсидаги биохилма-хилликни сақлаб қолиш ва ҳайвонот оламнинг яшаш шароитига ҳам қўлайлиқлар туғдиради.

Чўлнинг «Яшил қалқони» ҳисобланган ихотазорларни қўлайтириш даркор. Токи, саксовулзорлар инсон меҳрига зор бўлмасин.

Иззат ҲИҚМАТОВ Қашқадарё вилояти

Матбуот анжумани

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли кредитлар билан таъминлаш борасидаги ишлар» мавзусида навбатдаги матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Банкларда «Тадбиркорлар бурчаги»

Анжуманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан яратилган имтиёз ва преференциялар, соҳа субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш шарт-шароитлари, бизнес лойиҳаларни имтиёзли молиялаштиришни кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил сўз юритилди.

Сир эмас, бугунги кунда банклар тадбиркорларнинг ҳамкори ва таянчига айлланиб бормоқда. Анжуманда «Оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб қувватлаш» ҳамда «Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш» банклар олдида турган муҳим вазифалардан эканлиги таъкидлаб ўтилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида банк тизими олдида қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада қулайликлар яратиш мақсадида, тижорат банкларининг барча филиалларида ташкил этилган «Тадбиркорлар хона»ларида малакали мутахассислар томонидан тадбиркорларга кредитлар ажратиш, банк хизматлари кўрсатиш, бизнесни йўлга қўйиш ва янада ривожлантириш юзасидан зарур маслаҳатлар бериб берилмоқда, — деди «Микрокредит-банк» раис ўринбосари Шукрулло Умуров.

Филиаллар ва минибанкларда ташкил этилган «Тадбиркорлар бурчаги» орқали республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар, тақлиф этилаётган янги банк хизматлари тўғрисида доимий равишда ахборот бериб берилмоқда.

Шунингдек, матбуот анжумани иштирокчилари банкларнинг мунтазам янгиланиб борадиган веб-сайт ва порталлари орқали ахборот хизмат кўрсатиш тизими кенгайтирилгани ҳақидаги маълумотлардан ҳам хабардор бўлишди.

Н. БОЙМУРОВА

Минг ташвиқотдан бир ўрнак яхши

«Шарқ юлдузи» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди Боботог массивига туташиб кетган. Бу ерлик одамлар бирер юмуш билан Жарқўрғонга бориб келиши учун бир кун вақт керак. Шунинг учун фермер даласида гўза, галла ўстиришни ёки томорқа ер участкаларида турфа зироатлар ўстириб кун кўришни маъқул билишади.

Аҳоли эгаллаб турган томорқа ер майдони 957,2 гектардан иборат бўлиб, унинг фақат 792,9 гектарида экин ўстириш мумкин. Қолгани иморатлар ва мевали дарахтлар билан банд.

Икки-уч йилдирки, ҳамма ерда бўлгани каби «Шарқ юлдузи» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи аҳолидан ҳам томорқалардан самарали фойдаланиш, ҳар бир оила ҳеч бўлмаса, шахсий эҳтиётга етадиган даражада картошка, пиёз, сабзавот етиштириш талаби кўчатирилди. Маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари оқсоқолларнинг хонадонма-хонадон кириб, томорқа ер участкаларини бўш қолдирилмаслик, у ёки бу зироатни экиш бўйича олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари бесамар кетмади. Томорқасига асосан бир бosh

қорамоли ёки қўй-эчкиси учун озуқабоп экинлар ўстиришга қўниқиб қолган одамлар картошка, пиёз, сабзавот экинлари етиштиришга ҳам қўл ура бошлашди.

Жорий йилда ҳам эртаги маҳсулот етиштиришга ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор берилди. Бугунгача ҚФЙ ҳудудидан туман, вилоят ва республика бозорларига 30 тоннадан кўпроқ пиёз, 50 тонна картошка, минг тонналаб сабзавот маҳсулотлари, 20 тонна саримсоқ пиёз, 25 тонна сабзи ва бошқа маҳсулот олиб чиқилди.

Эътиборли бир далил: «Шарқ юлдузи» ҚФЙ раҳбарлари ва оқсоқоллари аҳолини томорқадан унумли фойдаланишга даъват этиш билан бирга ўзлари ҳам шахсий намуна кўрсатишяпти. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мамадали Тўрамурадov хонадонидида бўлганимизда унинг томорқасида 100 туп анор, 20 туп хурмо, 40 туп олма, 10 туп эртапишар олча, 15 туп шафтоли, 40 туп бодом, 5 туп нок, шунча жийда, 4

туп ёввойи гилос, 10 туп ўрик ва бир қанча қароли. Беҳи ва бошқа мевали дарахтлар яшнаб турганлигига гувоҳ бўлди. 2010 йил оила аъзолари фақат анор ҳосилидан 12 миллион сўмдан зиёд даромад қилишди.

Томорқа — хазина


Қовун қовундан ранг олади, деганларидек, «Янги қишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли У.Абдурахмонов, «Мопр» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б.Муминов, «Боботог» МФЙ раҳбари Ч.Тожиёв, «Халқобод» МФЙ раисаси У.Қодирова, «Мустақиллик» ва «Янги усул» МФЙлари оқсоқоллари Н.Алихонов, Р.Абдурахмоновлар ҳам томорқаларидан олаётган мўмай даромадлари орқали фарован яшаб бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Мисол учун қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Раҳим



Жабборов шу йил ўз томорқасининг 4 сотих жойига экилган саримсоқ пиёздан 1,5 миллион сўм даромад кўрди. Томорқанин қолган қисмига дон учун маккажўхори, помидор, бодиринг ва бошқа зироатлар ўстириётганини ҳавас қилишга арзийди. Яна бу ерда 300 туп мевали дарахтларнинг баракали ҳосилини кўриб қўз қувнади.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Никоҳ шартномаси



Бир танишимнинг оиласи бузилди-ю собиқ эр-хотин ўртасида узоққа чўзилган мулк талашши жоғроси бошланиб кетди. Маҳалла раислари, ҳатто ҳокимият вакиллари аралашиб ҳам низоини ҳал эта олмади. Собиқ эр-хотин бир-бирини суддан судга қўп судрашди. Аммо жоғронинг охири кўринмай демасди. Аёлни четроққа тортиб, никоҳ шартномаси тузмаганмидларинг, деб сўра-

дим. У эса тўй бўлаётган пайтда бундай нарсалардан ирим қилишганини айтди. Шу ўринда ота-боболаримиз никоҳланган аёл учун маҳр бериш жоиз деб билишгани ёдимга тушди. Белгиланадиган маҳр айнан қонунчилигимизда акс этган никоҳ шартномаси талабларга тўғри келади. Янги қурилаётган оилада никоҳ шартномасининг тузилиши азалий қадриятларимизнинг тақомиллашган ва қонунийлашган кўриниши эмасми ахир!

Оила кодексининг 29-моддасига биноан, никоҳ шартномаси — никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврда аҳдуд эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда, уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилوшни келишувидир. Хозирги кунда мулкнинг шартномавий таркибига ҳам ўрин берилган.

Дарҳақиқат, оила ҳуқуқий асосларининг узвий бир қисми никоҳ шартномаси, никоҳнинг расмий қайд этилиши, унда иштирок этаётган йигит ва қизнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқларини юзага келтира-

ди. Эр ва хотиннинг никоҳга ўзига тегишли бўлган мол-мулки, шунингдек, улاردан ҳар бирининг никоҳ довомида ҳада, мерос тариқасида ёки бошқа битимлар асосида олган мол-мулки фақат ўзининг мулки ҳисобланади. Шу маънода эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки эса уларнинг никоҳ довомида ортирган, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган буюм ёки бошқа нарсалари бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси никоҳ шартномасида аск эттирилса, оила аъзоларининг мулкий ҳуқуқлари таъминланиб, ўзаро келишмовчилик чиқишининг олди олинади.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатида олингунга қадар ёки никоҳ даврида тузилиши мумкин. Никоҳ давлат рўйхатида олингунга қадар тузилган шартнома у давлат рўйхатида олинган кундан бошлаб қучга киради. Шартнома ёзма шаклда тузилади ва албатта нотариал идора орқали тасдиқланиши шарт. Никоҳ шартномасини ишончнома орқали тузишга йўл қўйилмайди.

Оила ҳуқуқи

Никоҳдан ўтишдан олдин никоҳ шартномасини тузишга келганлар билан нотариус томонидан суҳбат ўтказилган, ёки эр-хотиннинг никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳномаларига асосан, бу шартнома нотариал тасдиқланиш учун қабул қилинади. Нотариус шартномасининг мазмунини амалдаги қонунларга зид бўлмаганлигини тасдиқланади.

Никоҳ шартномаси эр-хотин ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низоларнинг суд жараёнида тўғри ва адолатли ҳал қилинишида ёрдам беради, яъни, эр-хотин никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг ҳар бирига тегишли мулкни аниқлаб олиш имкони ортади.

Мухими, Фуқаролик кодексининг 354-моддасига мувофиқ никоҳ шартномасини тузиш ихтиёрийдир. Яъни бундай шаклдаги шартномани тузиш ёки тузмамаслик эр ва хотиннинг ўзига боғлиқ. Ана шуларни назарда тутган ҳолда, никоҳ шартномасини фақат мулкий низоларни ҳал қилишга ёрдам берувчи восита деб эмас, балки никоҳни мустаҳкамловчи омил, деб қараб мақсадга мувофиқдир.

Ҳолида САИДОВА, Сергели тумани 6-сонли давлат нотариал идораси нотариуси

Ҳукуматимиз томонидан мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми кескин ошириш, бандлик масалалари, умуман, миллий фаровонлиқни таъминлаш муҳим йўналиш этиб белгиланган. Бу борада, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида. Негаки, йирик ишлаб чиқариш объектларига қараганда кам сармоя талаб қиладиган ҳамда турли ўзгаришларга мойил соҳа субъектлари маҳсулот турларини янгилашга, ишлаб чиқаришни модернизациялашга, шу билан бирга, бозор конъюктурасининг беқарор ҳамда вақти-вақти билан таъдорлиб турадиган иқтисодий инқирозлари шароитига тез мослашувчан ҳисобланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун иқтисодий ва ҳуқуқий база яратилган. Бу эса «Асака» давлат акциядорлик тижорат банкига кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, ўз маблағлари ва хорижий кредит линияларини жалб қилган ҳолда кредитлар салмоғини оширишга имкон бермоқда. Шу мақсадда банк соҳа субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, авваламбор, экспорт ёки импорт ўрини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли молларини қўлайтириш ҳамда шу орқали янги иш ўринларини барпо қилишга алоҳида эътибор қаратапти.

Жумладан, «Асака» банк Навоий вилоят филиали «Асака банк — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи» деган шорга таянган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Хозирда банкнинг асосий стратегик мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизмат турлари қўламини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш билан биргаликда, уларнинг ривожланишига ижобий шарт-шароитлар яратиш ҳамда бу орқали юртимиз иқтисодиётидаги ўрини мустаҳкамлашдан иборат.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, банк хизмат турларини янада қулайроқ шартларда тақлиф этиш ҳамда вилоятимизнинг чекка туманларидаги тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Нурута туманида «Нурута» минибанки фаолияти йўлга қўйилди, — деди «Асака» банк вилоят филиали бошқарувчиси А.Ниёзова. — Филиал томонидан ажратилаётган кредитлар асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар сотиб олишга, маҳаллий хом ашё негизда маҳсулот ишлаб чиқариш, маиший хизмат тур-

ларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда. Дарҳақиқат, банк кредит сийсатиди ҳам иқтисодиётнинг реал секторини маблағ билан таъминлаш, инвестиция жараёнини янада тезлаштириш, яъни бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирish учун кичик бизнес субъектларини кредитлаш миқдорини қўлайти-

риш белгиланган. 2011 йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига миллий валютада 10,7 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Филиал томонидан соҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг охирига қадар барча молиялаш манбалари ҳисобидан 14,2 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратиш режалаштирилган. Бунинг учун филиалда барча шарт-шароит етарли. Қувонарлиси, ажратилган кредитлар ҳисобига қўшимча 271 нафар

ишчи ўрни ташкил этишга эришилди.

2011 йилнинг 1 июн ҳолатига қўра, филиал томонидан иқтисодиётнинг турли соҳаларига йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиги 31,9 млрд. сўмини ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 баробарга ошишига эришилди. Кредит қўйилмаларининг 28,2 млрд. сўми ёки 88,4 фоизи узоқ муددатли кредитларни ташкил этади. Шунингдек, Президентимиз ва



Asaka Bank

Иқтисодий тараққиётга муносиб улуш

Ҳукуматнинг аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, турар жой бозорини ривожлантириш ҳамда кам таъминланган қатламни ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларида чорвачилиқни ривожлантиришга доир фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш борасида ҳам филиал томонидан қатор амалий ишлар қилинди. — Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги фармонига асосан имтиёзли фоииз ставкаларида 77 нафар ёш оилага қўп қаватли уйдан квартира ҳамда истеъмол товарлари сотиб олиш мақсадида 2,2 млрд. сўм миқдорда кре-

дитлар ажратилди, — деди А.Ниёзова. — Жорий йилнинг охирига қадар ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга филиал томонидан яна 1 млрд. сўм миқдорда ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш мўлжалланган. Мамлакатимиз раҳбарининг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технология қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш, шу асосда хом ашё ресурсларини чуқур

қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни татбиқ этиш ва рақобатбардош, ички ҳамда ташқи бозорларда харидоригр бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, иқтисодиёт тизимини янада диверсификация қилиш, унинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган қарор ва фармонлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаоллиқни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашнинг таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида филиал томонидан Навоий эркин иқтисодий зонасида ташкил этил-

ган қўшма корхоналарга 20,2 млрд. сўм миқдорда узоқ муددатли инвестицион кредитлар йўналтирилди. Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса 1,6 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Одамларнинг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун инвестиция ресурсларининг гоёт муҳим манбаи сифатида аҳолининг эркин пул маблағларини ти-

Мамлакатимиз тўлов тизимини ривожланишида банк пластик карточкалар муҳим ўрин тутади. Чунки пластик карточкалар, биринчидан, аҳолига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, стипендия ва пенсияларини вақтида тўлаш имкониятини берса, иккинчидан, аҳоли томонидан қомулган тўловлар бўйича қарздорликни вақтида тўлаш, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда харид қилинган товар ва кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларни тезкор амалга оширишни таъминлайди.

Шу боис, Юртобшмизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, пластик карточкаларда ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ишлар жадал олиб борилди. «Асака» банк Навоий вилоят филиали томонидан бугунги кунда 41,4 минг дона пластик карточка муомалага чиқарилди. 293 та терминал ва 1 та инфокиоск ўрнатилди. Корхона ва ташкилотларда «Иш ҳақи» лойиҳалари жорий этилиб, уларнинг сони 314 тага етказилди. Пластик карточкалар орқали амалга оширилаётган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ҳам кенгаймоқда. 2011 йилнинг ўтган даврида савдо айланмалари миқдори 18,1 млрд. сўмини ташкил қилди.

Бундан ташқари, «Халқаро пластик карточкалар («MasterCard») орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг автоматлаштирилган тизимини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Банкнинг вилоят филиали томонидан муомалага чиқарилган халқаро пластик карточкалар сони 3400 данага етди. Бир сўз билан айтганда, банк филиали томонидан барча томонлама қулайликларни муҳайё қилиш ус-тувор вазифалардан саналади. Филиал жамоаси ҳам мақдур соҳани ривож иқтисодий муваффақиятлар учун асосий омиллардан бири эканини яхши ангаган ҳолда фаолиятларини йўлга қўйишган. Натижада, филиал мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳар томонлама ўсиши учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Акматал ТОШЕВ, «Ishonch» мухбири

«Биз – бунёдкор халқимиз» танловига



Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат

Ўзги таътил

Жорий йилда Навоий вилоятида 23 та мактабда оромгоҳлари ташкил этилган бўлиб, бундай кўнгил-ёзар ҳордиқ бахтидан жами 3759 нафар дилбандларимиз баҳраманд бўладилар.

Шода-шода «марварид»

Зарафшон шаҳар бирлашган қасаба уюшма кўмитаси томонидан ташкил этилган «Марварид» оромгоҳи шаҳардаги 1-ихтисош-лаштирилган мактаб қошида ташкил этилган. Уғил-қизларнинг яйраб дам олишлари учун барча шарт-шароит мавжуд. 75 нафар бола тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда дам олмақда. Телевизор, компьютер бошқотирмалари болалар ихтиёрида. Кутубхона энг сара болалар адабиётлари билан бойитилган. Спорт майдончалари, гимнастика зали ишлаб турибди.

Болажонлар шаҳардаги «Нептун» сув ҳавзасида чўмилиб ҳордиқ чиқаришлари учун имконият яратиб берилган. Шаҳар истироҳат боғи ва музейи бўйлаб сайхатлар ҳам уюштирилди. Исоми-жисмига монанд «Марварид» кўйида гулзору гулшан ўзгача чирой касб этиб туради.

Учкундуқ шаҳридаги 9-мактабда ташкил этилган мактабда оромгоҳида ҳам айнан шундай кулайликларни кузатиш мумкин.

Шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши вакиллари тез-тез оромгоҳда бўлиб, шарт-шароитлар билан танишиб туришибди. Маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан икки мартаба концерт уюштирилди.

Муассар НАЗАРОВА, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Навоий вилояти кенгаши ходими

Ҳомийликдаги оромгоҳ

«Навоийсавдо» бирлашмаси ҳомийлигида «Калдирғоч» оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда бу орда тумандаги 7-умумтаълим мактабининг 30 нафар ўқувчиси кўнгилли ҳордиқ чиқараётир. Маскан 18 кундан икки босқичда хизмат кўрсатади. Дам олувчиларга барча шароит яратилган. Қизиқarli тадбирлар, сайру саёҳатлар ўғил-қизларнинг бағи таътилига мазмун бағишламоқда. Усмон ЮЛДОШЕВ

Муסיқа ўқитувчиси ҳақида ҳикоя

Айтишларича, Одам Ато ва Момо Ҳавонинг эгизак фарзандлари бўлган. Одам Ато овга кетганларида, болалар йиғлаб, анчагача овунмайди. Шунда Момо Ҳавондан алла дунёга келган экан. Демак, кўшиқ, куй, оҳангга бўлган муҳаббат қалбимизга оналаримиз алласи билан киргани рост. Зеро, ҳазрат Навоий «Муסיқани севмаган қалб ҳазон бўлган япроқ, хувиллаган чорбоғдир», дейдилар. Мамлакатимизда болалар муסיқа ва санъат мактаблари қурилаётгани ҳамда ёш авлодга берилётган эътибор ҳам муסיқа илмини чуқур ўрганиши, мукаммал ўргатиши йўлида кўйилган муҳим қадамдир.



Йўлдошнинг кўйлайди...

Қарши тумани Тўрақул қишлоғида жойлашган 25-умумий ўрта таълим мактабининг муסיқа фани ўқитувчиси Йўлдош Нодиров билан куй ва кўшиқ оламига сайр қилдик. Йўлдош ака ўтган йили Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг «Ўзбекистон, сени кўйлайман!» кўрик-танлови вилоят босқичида иккинчи ўринни олганди.

— Болалигимда Хўжақул амакимнинг дутор чертишини кўриб, юрагимда куй-кўшиққа кизиқиши уйғонган, — дея ҳикоя қилади у. — Соз чалишни ўргандим, ўқувчилик давримда бадий ҳаваскорлик дастасини ташкил этдик. Мактабда ўтадиган турли тадбирларга алоҳида тайёргарлик кўрардик...

1979-82 йилларда Тошкент маданият билим юртида таҳсил олдим. Билим юртини биттирар чоғимда якуний имтиҳонни Тошкент Давлат консерваторияси профессори, моҳир чангчи Аҳмадjon Одилов олганди. Аҳмадjon ака менга яхши баҳо билан бирга Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтига йўлланма ҳам берди. 1982-86 йилларда институтда ўқидим. 1987 йилдан бери болаларга дарс бериб келяман.

— Тараққиб тўфайли ҳеч бир соани чалмасдан, дискет ёрдамида кўшиқ айтиши имкони туғилди. Бу ёшлар-

нинг соз чалишни ўрганишга бўлган қизиқишини суъсайтирмаётими?

— Болаларни қизиқтира олсангиз, миллий чолғу асбобларимизни чин меҳр билан ўрганишади. Давраларга борсақ, халқ жонли муסיқа ва кўшиқ сўрашади, ижрони олишлар билан кутиб олишади. Биз ўқувчилар қалбига мумтоз муסיқамизни, «Шашмақом» сингари миллий меросимизнинг ноёб дурдоналарини, дунё тан олган буюқ композиторлар асарларини сингдириб боршимиз зарур. Устоз Комилжон Отаниёзов ижро этган ашулаларини ижро этганимда юрагим селга айланади. Жаъонимда Навоий, Махтумқули, Машираб, Феруз, Огаҳий каби буюқ аждодларимизнинг китоблари ўрин олган. Узим ҳам ижод қилиб тураман. Болаларга атаб «Болажон», туғилган гўшам ҳақида «Қишлоғим», «Ватаним — Ўзбекистон» тароналарини яратганман.

— Ҳозир барча туманларда болалар муסיқа ва санъат мактаблари фаолият юртияпти. Сизда уларнинг бирида ишлаш нияти йўқми?

— Ортбосимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида шундай сатрлар бор: «Куй-кўшиққа, санъатга муҳаббат, муסיқа маданияти халқимизда болалиқдан бошлаб, оила шароитида шаклланади.


Уйда дутор, доира ёки бошқа чолғу асбоби бўлмаган, муסיқа қолғу ҳаётбахш таъсирини сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топши қийин». Бу сўзлар қалбимни гурурга тўлдиради.

Энди саволингизга келсак, албатта, қад кўтараётган муסיқа ва санъат мактабларида ишлаш ҳар бир ўқитувчининг орузи. Туманимиздаги мактабга тақлиф этишганди. Бироқ 25-мактаб маъмурияти кетишимга розилик бермади. Ахир, дарахт бир жойда кўкаради-ку. Мактаб директори Нормат Бадалов, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Исроил Сайфиев бадий ҳаваскорлик тўғрагимизнинг турли тадбирларда иштирок этишига ёрдам бераётти. Айни пайтда муסיқа хонамиз замон талабларига мос жиҳозланган. 28 ўқувчидан иборат бадий ҳаваскорлик дастамиз бор. «Устоз-шоғирд» аънасанасига кўра, 23-мактабдан Наргиза Жўраева, 24-мактаб муסיқа ўқитувчиси Низом Тошев, 25-мактабдан Азиза Бердиевага касбий тажрибаларимдан ўргатялман. Ниятним, ўғил-қизларимиз муסיқани севсин. Миллий муסיқамизни улар онгига сингдиришни, янги-янги ижод намуналари яратишни истаётиман.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Велоспорт

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳри мезбонлик қилган XVI Осиё ўйинларида терма жамоамиз қўлга киритган 11 та олтин медалдан бири велоспортчимиз Владимир Тўйчиевга насиб этди. Маҳоратли спортчимизнинг қитъа Олимпиадаси шохсупасига кўтарилиши осон кечгани йўқ. «Гуанчжоу — 2010»да у турли масофаларда ўтказилган яққалик ва жамоавий пойғаларда имкониятларини синовдан ўтказди. Бироқ 30 километрлик масофага ўтказилган пойғадагина унга омад кулиб боқди.



Кейинги манзил — Олимп чўққиси

Владимир Тўйчиев номи мухлислар учун яхши таниш. Кўп қарра Ўзбекистон чемпиони, Пекин Олимпиадаси иштирокчиси ҳисобланган спортчимизни нафақат мамлакатимизда, балки қитъамизда ҳам яқиндан билишади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Иқтидорли велоспортчи илк катта ютуғини 2006 йили Қатарнинг Доха шаҳрида ўтказилган XV Осиё ўйинларида қўлга киритган эди. Ушунда 120 айланишдан иборат 30 км. масофада ўтказилган баҳсларда Владимир Тўйчиев кумуш медалга сазовор бўлганди.

Спортда шундай ибора бор: «Қачонки спортчи ўзининг натижаларидан кўнгли тўлса, қайд етаётган кўрсаткичларидан қаноатланса, у ўсишдан тўхтайдми». Буни яхши англаган Владимир ўз устиди ишлашни, маҳоратига сайқал беришни сўсайтирмади. Машгулотлар унинг тобланишига, жисмоний имкониятларининг орттишига хизмат қилди. Гуанчжоудаги мусобақаларда старт олгунга қадар у мамлакат чемпионати, шунингдек, қитъа ва жаҳон миқёсидаги аънавий турнирларда иштирок этиб, тажриба орттирди. Бундан ташқари, айнан мана шундай мусобақаларда тўпланган қимматли рейтинг оқолари эъзига XVI Осиё ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

«Гуанчжоу велодроми»да спортчимиз ўз иштирокини эркаклар ўртасидаги яққалик баҳсларидан бошлади. Беш, ўн, йигирма километрлик масофаларга ўтказилган мазкур мусобақаларнинг саралаш босқичидан муваффақиятли ўтиб, финал йўлланмасини қўлга киритди. Бироқ ҳал қилувчи баҳсларда унга бироз омад етишмади. Буни спортчимизнинг совриндорларга сонияларини боғи бериб, бешинчи ва олтинчи ўринлар билан қийофлангани ҳам тасдиқлайди. Мазкур пойғаларда Тўйчиев билан биргаликда терма жамоамизнинг яна бир аъзоси Вадим Шаехов ҳам иштирок этди. Бироқ у ҳам мусобақалар давомида ўз имкониятларидан тўла фойдалана олмади. Велоспортчиларимиз жамоавий спринт баҳсларида ҳам муваффақиятсизликка учрашди.

Кетма-кет омадсизликлар, сониялар ҳисобигагина совринли ўринлардан қуруқ қолиш ҳар қандай спортчининг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ ҳаётимиздан бундан тушкунликка тушмай, ўзининг сеvimли масофаси 30 км.га ўтказилган спринт пойғасида яна стартга чиқди. 120 айланишдан иборат пойғанинг ўзига хос жиҳати, спортчи ҳар бир айлана якунида дастлабки беш ўриндан бирини эгалласа, қайд этган натижасига қараб мос равишда муайян оқоларга эга бўлади ва голиб барча айланалар якунидаги умумий натижа асосида аниқланади. Дастлабки сониялардан оқоларга пешқадимликни қўлга олган спортчимиз пойға охирига қадар шиддатни сўсайтирмади. Ун айлана ортда қолган вақтда у асосий таъкибчиси билан 3 очкога ўзиб, «карвон»ни бошқариб борарди. Энг муҳими, у кучини ақл билан сарфлаб, керакли вақтда қимматли оқоларини жамғариб борди. Энг сўнгги айланада маррани спортчимиз учинчи бўлиб кесиб ўтди. Бироқ умумий 71 очко тўплаган ҳолда асосий таъкибчилари — жаҳон чемпионати совриндори гонконглик Кам По Вонг ҳамда кўп қарра Осиё чемпиони эронлик Меҳди Сўҳробийларни катта фарқ билан ортда қолдириб, чемпионликни қўлга киритди. Энг қизиғи, иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритган спортчилар бир хил очко жамғаришганлиги эди. Фақатгина кўшимча кўрсаткичларга кўра кумуш медал гонконглик спортчига берилди.

XV Осиё ўйинларидаги кумуш медалини олтинга айлантира олган Владимир Тўйчиев журналистларга интервью берад экан, эндиги мақсади олимп чўққисини забт этиш эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Буюқ Британиянинг Лондон шаҳри мезбонлик қиладиган XXX Ўзги Олимпиада ўйинларида биз ана шундай натижани кутиб қоламиз.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири



Етиб келдик. Навбатдаги бекат... Ҳа, англишмадингиз, у ярим финал эди. Афсуски, насиб этмади. Унга Уругвай ўсмирлари мушарраф бўлишди. Ҳар икки бўлимда биттадан ўтказиб юборилган гол жаҳоннинг кучли тўртингига кириш имконини бермади.

Насиб этмади

Ашаддий мухлислар ярим тунда — «зангори экран» қаршига ўтириб, ўйиннинг боришини синчликлаб ва албатта, умид билан кузатганликлари рост. Шунинг учун тафсилотларни бир четга суриб, бугун Евстафеев шоғирдлари эришган натижага ҳолис баҳо беришни лозим топдик.

Умуман олганда, ёмон эмас. Ҳар ҳолда чорак финалда тўп суришининг ўзи катта ютуқ. Нима бўлганда ҳам, биз энди Бразилия, Англия, Германия, Франция, Япония, Мексика, Уругвай каби давлатлар қаторида тилга олинмаган бўлдик. Ваҳоланки, чемпионат бошланган кезлар гуруҳ масаласини ҳал қила оламизми, йўқми, деган саволга ҳам тўлақонли жавобимиз йўқ эди.

Хуллас, доvon ошиб ўтирди. Кўнгилга бир нарса таскин беради: ҳаракат қилсак, яна ҳам юксакроқ чўққиларни-да забт этишимиз мумкинлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқдан ўтказди.

Лекин ишқибозчилик ёмон бўлар экан. Барибир алам қилапти. Ахир галаба кўзонсак, ярим финалда Бразилия билан куч синишти имконияти туғиларди-да! Натижа қандай бўлишдан қатъи назар...

Ўз мухбиримиз

Паркент туманининг хушманзара худудиде жойлашган «Foton» ОАЖга қарашли «Машъал» соғломлаштириш оромгоҳи болажонларни ўз бағрига чорлайди.



Соғломлаштириш мавсуми 4 сменани ташкил этиб, ҳар бир смена 12 кундан иборат. Йўлланманинг баҳоси 200 минг сўмни ташкил этади.

Болалар ҳамма қулайликларга эга бўлган оромгоҳда футбол, волейбол, стол тенниси каби спорт турлари билан шуғулланиши, бассейнда маза қилиб чўмилиши, ҳар хил тўғаракларга қатнашиши, кутубхонада кўплаб китоблар билан ошно бўлиши ҳамда ёшлик даврининг бахтиёр дамларини тунги гулшан атрофида ўтадиган кечаларда мазмунли ўтказиши мумкин. Марҳамат, оромгоҳимизга ташриф буюринг!

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Паркент тумани Су-қоқ қишлоғи. Телефон: 233-74-63, 33-66-239

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши жамоаси тармоқ қасаба уюшмаси Шовот туман кенгаши раиси Ибрагим Хасановга невараси ШЕРАЛИНИНГ бевақт вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Advertisement for 'Insonga naf keltirish' (Beneficial to people) featuring 'Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi' and 'Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov'. It lists various services and contact information for different regions like Andijon, Buxoro, Jizzax, Navoiy, Namangan, Samarqand, Surxondaryo, Farg'ona, Qoraqalpog'iston Respublikasi, va Xorazm, and Qashqadaryo.